



13 у.р. "2" ноябр

№ 1160-К.

Самарқанд t-р Самарқанд

Фуқаро Асроров Утқуржонга
"Кулбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини
"Жавонобод" маҳалласида ўз ҳудудидан
савдо дўкони ва автомобилларга техник
хизмат кўрсатиш устахонаси қуришга
руҳсат бериш тўғрисида"

"Кулбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини "Шўрбой" маҳалласида яшовчи фуқаро Асроров Утқуржоннинг туман ҳокими номига эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи № 01/-0019 сонли Давлат ордери асосида "Жавонобод" маҳалласида жойлашган ўзига тегишли ер майдонидан савдо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси қуришга руҳсат беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. "Кулбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини «Шўрбой» маҳалласида яшовчи фуқаро Асроров Утқуржонга "Жавонобод" маҳалласида жойлашган ўзига тегишли ҳовли жой қуриш учун ажратилган ер майдони ҳисобидан масоҳати 340 м.кв савдо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси қуришга руҳсат бериш тўғрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Асроров Утқуржонга савдо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев